

**Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун  
ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги  
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ–688-сон, 29.04.2021 й.)**

Янги қабул қилинган Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қанча ўзгартишлар ва қўшимча киритилди.

Хусусан, Ҳаво кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози ердаги одамларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига ва (ёки) уларнинг мол-мулкига хавф солмаган ҳолда белгиланган йўналишлар ва учиш баландликларида амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишга мувофиқ, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун жарима миқдори қатъий белгиланди.

Бунда фуқаролар учун БҲМнинг 20 баравари (илгари 20 бараваридан 30 бараваригача), мансабдор шахсларга эса – 30 баравари (илгари 30 бараваридан 50 бараваригача) миқдорида жарима назарда тутилган.

Шунингдек, транспортда тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори БҲМнинг 2 баравари (илгари 3 баравари) этиб белгиланди.

Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори қатъий белгиланди.

Бунда БҲМнинг иккидан бир қисми миқдорида (илгари БҲМнинг бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда ) жарима миқдори белгиланди.